




O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Тошкент

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

Оқшом

№ 33 (9.071)

1998 йил

23 март, душанба

Сотувда эркин нархда

ГУЛ-ЧЕЧАКЛАР БИЛАН КУЛАДИ НАВРЎ

Тошкент. 21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи

Бугун табиат худди қалдирғоч қанотлари эпкинни билан уйғонгандек. Айниқса, Миллий боғдаги бирон бир гуша йўқ, қи у гулга бурканмаган бўлсин. Хатто боғ тўрида маҳобат тўкиб турган ҳазрат Навоий ҳам бу гуллари кўриб ҳайратга тушгандек.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор! Ҳар баҳорда муборак Наврўз юртимизга илиқлик, бахту иқбол, аҳиллик, тотувлик олиб келади, ўзининг гуллари Батан узра сочиб юборади.

**Қалдирғоч қанотида келади Наврўз,
Боларилар билан елади Наврўз,
Гул-чечаклар билан кулади Наврўз:
Омонмисиз, дилбар қизу жононлар,
Омонмисиз, мени кутган ёронлар!**

Миллий боғнинг бугунги шукҳу ўзгача. Юртимизнинг барча вилоятларидан келган ҳунармандлар махсус расталарда ўз маҳсулотларини кўз-кўз қилиб турибдилар. Сумалагу ҳалимнинг мазасини тотиш учун одамлар рақсдан боғ ажиб оройиш олгандек бўлди.

СОАТ 11. Ёқимли мусиқа садолари янгради. Наврўз тантаналари бошланди. Шу лаҳзада худди заминга қуёшнинг нурлари тушиб, порлагандек бўлди. Бир хилда миллий атлас либос кийган рақсчилар рақсидан боғ ажиб оройиш олгандек бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон халқини қутлуг айём — Наврўз билан табриклаб нутқ сўзлади. Президент ўз табригида бу йилги Наврўз ўзгача шодлик ва қувонч билан ўтаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда мустақилликнинг еттинчи Наврўзи нишонланмоқда. Юртимизда шу қисқа фурсатда катта ишлар қилинди. Ёнг асосийси — халқимиз истиқлол нима эканлигини англаб етди. Бугунги байрамнинг шукҳу ва жозиба-си ҳам мустақиллик шарофатидандир.



Майдонда карнай-сурнай садоси янграйди. Байрам тантаналари бошланади.

Байрам дастури «Табиатнинг тўрт фасли», «Бола бахти — оила бахти», Ўзбекистон — аллалар, алломишлар юрти», «Ўзбекистоннинг ранг-баранг гулдастаси», «Халқ ижодиёти — санъат сарчашмаси» деб номланган бўлимлардан иборат.

Саҳнага ҳаёт абадийлигини ифодаловчи йил фаслларини ўзига муҳасамлаштирган рақсчилар ташриф буюришди.



Бирин-кетин ёз, куз, киш уз фазилатларини кўрсатган, гул-баҳор гулу чечакларга тўлиб кириб келди. Ушбу саҳнада катта мажозий маъно ўз аксини топди. Баҳор бу ёшлик дегани. Бутун саҳнани тўлдириб қўшиқ айтган, рақс тўшган болажонлар қувончининг чеки йўқ эди.

Президентимиз 1998 йили Оила йили, деб эълон қилди. Оила Шарқда азал-азалдан муқаддас даргоҳ ҳисобланади.



Чунки ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ор-номус, шарму ҳаё оилада шаклланади. Юртбошимиз бу ҳақда гапириб «Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларини сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия учоғи...» деган эди.

Саҳнага болалар, нуруний отахон ва онахонлар кириб келади. Чақалоқнинг йиғиси эшитилади. Наврўз томошасини ижро этган онахонларимиз янги туғилган гўдакка ном қўйиш маросимини ажойиб тарзда намойиш қилдилар. Бу йилимиз Йўлбарс йили. Янги туғилган гўдакка Арслон деб ном қўйилиши авлодимизнинг бардам, баркамол, бақувват бўлиб улғайишига билдирилган тилақдир.

**Ҳайрат шабнамни ичади гулар,
Лол бўлур кўрғанда ҳатто булбуллар,
Баҳорий ишқдан энтикар диллар
Наврўзим, асалом, жўшади қонлар,
Юракда гулбоҳор солган тўғёнлар!**

Бу йил ўзининг талайгина ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Халқимизнинг буюк ўтмиши бўлган, ҳамиша ўзининг шижоати, жасорати билан юракларга чексиз қувват бахш этган «Алломиш» достонининг 1000 йиллигини нишонлаш ҳақиқатда қарор ҳам шу йили қабул қилинди.

Алломишнинг ўзининг Бойчиборида байрам тантаналарига қатнашиш учун кириб келиши, Барчин билан учрашиши, паҳлавоннинг шарафига қўйланган қўшиқлар у қанчалар элимизда сеvimли, миллатимиз, марддигимиз тисмоли эканлигидан далолат беради.

Бу йил буюк ватандошларимиз Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийнинг юбилейлари бўлиб ўтади. Бобокалонларимизнинг тўйлари халқро микёсда кенг нишонланади. Буларнинг бари истиқлол туфайли юртимизда ўтмиш меросимизга муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, заминимиз ҳамиша буюк алломалар ватани бўлиб келганлигини ҳақон халқлари томонидан тан олинаётганлигининг яна бир ифодасидир.

...Бирин-кетин вилоятлар ўзларининг дастурларини намойиш этишди. Қашқадарёлик санъат аҳли Наврўзнинг туғилишини томоша қилган бўлса, фарғоналик сўз усталари айтган асиялар, лапарлар, халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини ўзига муҳасам этган қўшиқлар барчанинг олқишига сазовор бўлди. Бухородан ташриф буюрган Насриддин Афанди қўлини кўксига қўйиб табриклаганда, Сирдарёдан тутилган тилла балиқ уни яна қайтиб дарёга қўйиб юбориш ҳақидаги тақлифни эшитганда қилган дуоси ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагига эзулиқ уйғотди. Жиззах, Самарқанд, Наманган, Андижон, Сурхондарё, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари вакиллари кириб: «Бунчалар ҳақиратларга, удулларга, санъатга бойсан, Ўзбекистоним!» деган шукроналик барчанинг дилидан ўтгани шубҳасиз.



роқ киритган тўлдан сўнг унинг биринчи ярми кў-

сўнг «Пахтакор»нинг ҳужум-лари шиддатли тўс олди. 60

Ўзбек санъати ўзининг қадимийлиги билан, бетакрорлиги билан жаҳонни ром этган. Буни эстрада хонандаларимизнинг жўшқин қўшиқларида яна бир қарра кўрдик.

Наврўз ўз оти билан Наврўз. Уни юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўзларининг жонажон байрамларидек нишонладилар. Байналмилал миллий-маданий марказнинг Наврўзга тайёрлаган дастури бу қадимий ва ардоқли шодиёнинг ҳаммага барабар қувонч улашаётганини ўзида акс эттирди.

Шу кунни қарақлаб турган қуёшнинг ҳам, самода чарх уриб ўчаётган қўшларнинг ҳам, Миллий боғни тўлдириб Наврўз тантаналарига гувоҳ бўлган ҳамшаҳарларимизнинг ҳам қалбида биргина сўз ёниқ: Наврўз! Бу йил ҳам унинг пойқада-ми қутлуг келиб, Ватанимиз яна бир голибона одим отишига тилак билдирдик.

**Интиқликдан нигорон бўлди кўзим,
Сенга аталгандир энг яхши сўзим,
Бағрим очиб, кутдим ўргилиб ўзим
Хўш келибсан, Наврўзим,
Хўш келибсан, Янги йил,
Янги-янги ютуқларга боғланди дил.**

Байрам мушакбозлиқ билан яқунланди. Президент Ислам Каримов тантаналар сўнгига ҳунармандлар кўрғазмаси билан танишди.

Наврўз тантаналарида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг раиси И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раиси ва Бош



вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов, бошқармий кишилар, дипломатик ваколатхоналар вакиллари, меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Наврўз шодиёналари бутун пойтахтимиз бўйлаб қанот қочиб кетди. Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Мирзо Улуғбек, Хадра, Алишер Навоий номидаги театр олиндаги майдонларда, Амир Темур хиёбонида, Сайилгоҳ кўчасида, истироҳат боғларида ҳам нишонланди.



Юртбошимиз таъкидлаганидек, Наврўз бир кунлик байрам эмас. У ўлкамизда баҳор бўйи давом этади.

Темур УБАЙДУЛЛО.
СУРАТЛАРДА: Миллий боғдаги Наврўз шодиёналаридан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



берган кучли зарбасидан сўнг пахтакорлар олдинга чи-

жабов қайтаришга муваф-фак бўлдилар. Шундай қилиб ушбу қизқарли уйида «Пахтакор» 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Андижон» — «Бухоро» — 2:0, «Дўстлик» — «Хоразм» — 0:0, «Нефтчи» — «Сўғдиёна» — 2:0, «Насаф» — «Ме-таллург» — 2:0.

Дилшод ИСМОИЛ.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Қадрли дўстлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Ҳар бирингизни орзиқиб қутилган қадимий айём — Наврўзи олам хонандоларимизга кириб келгани билан муборакбод атаман!

Наврўз — табиат уйғониши фасли, ҳаёт байрами, миллий одат ва қадриятларимизнинг энг олий тимсолидир. Бу қутлуг паллада Оллох яратган бутун борлик уйғонади. Табиат янгиланади. Табиатнинг узвий қисми бўлиш одам-зот ҳам беихтиёр руҳан покланади. Қалбига эзулиққа инти-лиш, янги умид-орзулар ва куч-қувват киради.

Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг ман-гулик ифодаси, тасдиғидир.

Яқин тарихимизга бир назар ташласак, айнан Наврўзи олам ҳаётимизда қайта тикланиши, унинг қутлуг қадамлари бевосита ўзгичмизни англаш, миллий онг, миллий гурур ва туйғуларимизнинг уйғонишига туртки бўлиб, мустақилли-гимизга эришиш, жамиятимизнинг янгилааниши йўлидаги биринчи қадамлар билан боғлиқи кетгани ҳам бежиз эмас десак, ҳеч қандай хато бўлмас, деб ўйлайман.

Азиз биродарлар!
Тинчлик ва оқилоллик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Тотувлик, осудалик бор жойдан бало-қазолар йи-роқ юради. Аҳлодларимиз Наврўзи оламини ёруғлик кўни, хайру эҳсон ва меҳрибонлик палласи деб билганлар. Бе-морлар, етим-есир, кўнгли ярим бева-бечораларга бемин-нат ёрдам кўрсатиб, меҳрга муҳто бўлганларни зиёрат қи-либ, уларнинг кўнглиларини кўтариб, дуоларини олганлар. Ота-боболаримизнинг бундай эзгу удуминини давом эттирмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Наврўз айёмининг ҳаётбахш руҳи умумбашарий қадрият-ларга ҳамохандир. Шу боис, у мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакиллари, ёш қари барча инсонлар-нинг умумий шодиёнасига айлангани бежиз эмас. Бу ҳолни Ўзбекистонимиздаги аҳиллик, меҳр-оқибат, тинчлик ва оқилоллик барқарорлигининг далолати, деб айтсак асло муболаға бўлмас.

Мухтарам юртдошларим!
Наврўз давларида одамзот оиласига, фарзандларига бо-қиб, уларнинг бахтини, иқболини кўрмоқни истаиди.

Оила — меҳр-муҳаббат маскани.
Оила иқболи — юртимизнинг тинчлиги ва оқилоллиги гарови.

Оила — жамият асоси, пойдевори. Унинг фаровон бўли-ши, фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши — Ватан бойлиги ва қудратининг асосидир.

Ана шу қутлуг дақиқаларда Оллох назари тушган Ўзбе-кистон заминига яшаётган барча оилаларга, нуруний ота-ларимизга, дуоғуи оналаримизга, муноси аёлларимизга, ўғил-қизларимизга ва ширин-шакар невараларимизга чин қал-бимдан ўз меҳр-муҳаббатимни, эзгу тилақларимни билди-рмоқчиман.

Илоё, кириб келаётган Янги йилда Ўзбекистон заминига ҳар қайси оила, ҳар қайси хонандондан фойз-барака арима-син, эзгу нишлар амалга ошсин, қувончли қўнлар янада кўпроқ бўлсин. Қарияларимизнинг умрини, ёшларимизнинг бахтини берсин.

Бугун юртимизга баҳор кириб келаётган давларда, хал-қимизнинг азалий урф-одатларига амал қилиб, заҳматкаш, қийинчиликларимиз меҳнатига чексиз ҳурматини яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Янги мавсумингиз баракали бўлсин! Қадаган уруғларин-гиз, эккан қўчатларингиз беҳато қўқарсин, мўл-кўл ҳосил берсин!

Ҳаммамиз учун муқаддас, бетакрор заминимизга берган меҳримиз, саховатимиз юртимизга фойзу барака келтир-син, дастурхонимизни тўкин-сочин қилсин, ҳар бир инсон ўз меҳнатининг роҳатини кўрсин!

Ўзгал Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!
Уйримизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!
Улуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жисмоний шахсларнинг нақд хори-жий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетиши» тартибига солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ 1998 йил 1 апрелидан бошлаб республикадан ташқарига резид-дентларга 1500 АҚШ долларига тенг миқдорда, но-резидентларга божхонага тақдим этилган деклара-цияга мувофиқ нақд хорижий валюта олиб чиқиб кетиши белгиланди. Шунингдек, божхона деклара-цияларини тўлдирish шартли билан жисмоний шахс-ларга 10 минг АҚШ долларига тенг миқдорда нақд хорижий валютани республикага эркин олиб келиш-ларига рухсат этилди.

◆ Тошкент аэропортида халқро йўналишлар бўйича парвоз қиладиган бируйла 600 йўловчига хизмат кўрсатадиган янги зал ишга тушди.

◆ Нукусда Ажиниёз номли педагогика институти янги биносига тантанали вазиятда пойдевор қўйил-ди. 2000 йилгача қуриб битказиладиган ушбу олий ўқув юртида қарийб 3000 нафар йигит ва қиз таъ-лим олади.

◆ Наманган вилояти Уйчи туманидаги Яккатут қишлоғида очилган «Ал-Жаҳон» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида йилига 2,5 минг тонна машхур «Анхой» қўқ чойи қадокланадиган бўлди.

◆ Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамда рес-публика теннисни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш ҳамғармаси муассислигида «Теннис+» ҳафтаномаи чоп этила бошланди.

ЖАҲОНДА

◆ Бугун Россия Бош вазирининг ўринбосари Иван Рибкин Минскга келиб, Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ҳамда МДХ ижроия қотиби Иван Короченя билан учрашди. Иван Рибкиннинг бу ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига ташриф-лари давомиди МДХ давлат раҳбарларининг нав-баддаги олий даражадаги учрашуви мuddати ва кун тартиби келишиб олинди.

◆ Хитой яқинда Жанубий-Шарқий Осиёда юз бер-ган молиявий танглик оқибатларини бартараф этиш мақсадида Индонезия ва Таиландга 1 миллиарддан АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсат-ди.

◆ Ироқ билан Эрон ўртасида ҳарбий асирларни айирбошлаш тўғрисидаги битим имзоланди. Унга мувофиқ бу давлатлар ўртасида 1980-1988 йиллар-да бўлиб ўтган урушда Эрон Ироққа қўлга тушир-ган 15 минг нафарга яқин ҳарбий асирни, Ироқ ҳам бир неча минг эронлик ҳарбий асирни қайтариб беради.

◆ Россия, Германия ва Франция президентла-рининг Екатеринбург шаҳрида ўтказиши мўлжаллан-ган норасмий учрашуви Москвада бўлиб ўтиши эъ-лон қилинди.

◆ Кеча ўз-ўзини Косово Республикаси, деб эъ-лон қилган Сербия мухториятида президент ва пар-ламент сайловлари бўлиб ўтди. Сербия маъмул-лари тан олмастикларини эълон қилган ушбу сайлов-да президентликка албанларнинг ётақиси Ибро-ҳим Руговонинг яқна номзоди қўйилганлиги сабаб-ли унинг бу лавозимга сайланиши аниқ бўлиб қол-ди.

КЕЧА

республикада анъана-вий футбол байрами бош-ланган кунда шаҳримизда-ги «Пахтакор» марказий ўйингоҳида янги футбол мавсуми очилди. Байра-мона руҳдаги стадионда «Пахтакор» ва «Темирйўл-чи» жамоаларининг сар-дорлари — М. Қосимов ва Н. Осмоновлар чемпионат байроғини кутаришди.

Очилини айтганда, бирин-чи бўлимда жамоаларнинг

«ПАХТАКОР»ДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

ҳужумдаги ўйини унчалик қо-вушмади. Фақат қарши ҳу-жумларнинг бирида «Те-мирйўли» ҳужумчиси И. Бу-

тилмаганда меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди — 1:0. Иккинчи бўлимда А. Абду-райимов майдонга тушганидан

дақиқада Азамат 11 метрлик жарима тўпи орқали ҳисоб-ни тенглаштирди. Н. Ши-ровнинг чап қанотдан туриб

қиб олишди — 2:1. А. Абду-райимов ва М. Қосимовнинг икки тўпига меҳмонлар С. Курбановнинг голи билан


Спорт

«Яхши ният қилсанг орзуинг Наврўзда албатта, ушалади, шу билан бирга янги кундан кунон билан бошланган кунинг ҳаммиша ўз кетидан шодликларни олиб келади», — дейди кексаларимиз. Чиндан ҳам пойтахтимиздаги жуда кўплаб оилалар Ойла йилда янги уйли бўлишни ният қилишган эди. Наврўз байрамини эса уларнинг кўпчилиги янги хонадонларда қўшалоғига нишонлашмоқда.

Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Содиқов кўчасида бирийўла 3 та турар жой биноси фойдаланишга топширилиб, уйларнинг калитларини қурувчилардан мамнунлиги билан қабул қилиб олган 48 та оила аъзоларининг қувончлари чексиз. Бу уйлар «Ўзуйжойжамғармабан» буюртмасига асосан «Тошкентуйжойинвесткурилиш» корпорациясининг 4-трести қурувчилари томонидан қисқа фурсатларда сифатли қилиб бунёд этилди. Уй қурилишида бош пудратчи саналган 6-қурилиш бошқармаси ҳамда ёрданчи 7-, 12-, 14-қурилиш бошқармасининг 100 га яқин қурувчилари икки, ҳатто уч сме-нада барқалиб меҳнат қилишди. Шарқона қурилишга эга бўлган бу замонавий уйлар ва уларнинг шинам хоналари хонадон эгаларини мамнун этди.

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

— 3 ва 4 хонадан иборат бўлган хонадонларда яшовчилар учун барча шароитлар муҳайё, — дейди қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Мусурмон Назаров. — Ошхона ва айвонлари ҳам кенг



ва ёруғ. Иккита катта ва кичик айвон ҳам бор. Бу уйларни бунёд этган қурувчиларимизнинг меҳнатини алоҳида таъкидлашни истардим. Улар ўз вазифаларини тўла адо этишди. Айниқса, Анвар Боймуродов, Евгений Янбоев, Эркин Қорабоев сингари гишт терувчилар алоҳида ғайрат кўрсатишди.

Қурувчилардан уй калитларини қабул қилиб олар эканлар 3-уй эгаларидан Анорбой Миродилов, Шарифа Гофурова, Жаҳонгир Азизов, Мамлакат Қаҳроновлар улардан миннатдор эканликларини ихор эътишди.

— Мана қўриб турганингиздек уйларимиз жуда яхши қурилган, — деди 3 хона-ли уй эгаси Турғун Эргашев. — Қисқа вақт ичида шундай шинам уй қуриб беришгани учун қурувчиларимизга раҳматлар айтаман. Чунки улар бизга умумхалқ байрамида катта қувонч бахш этишди.

Юртимизда ҳали давом этадиган Наврўз байрамига қўша-қўша уй тўйлари ҳам улаиб кетди.



Шарифа ИЛ'ЙОСОВА.

СУРАТЛАРДА: 14-қурилиш бошқармаси пардозловчилар бригадаси етакчиси Маҳаммад Азизов ўз ишидан мамнун; хонадон ошхонасида.

Рашид Галиев олган суратлар.

Ҳикоят

ЎРИК ГУЛПАГАНДА

Зоида бува раҳматликнинг антика хикоялари бор эди.

— Ҳа, мулла бола, — дерди у офтоб-рўйда ўтирган кўйи кўчадан ўтиб қолсам. — Шу холанг қандай қилиб топганини айтиб берай. Қани, бундоқ кел-чи...

...Чамаси ўнчинчи йиллар эди. «Фалончининг қизи бор» деган гапларни оналаримиздан эшитардик. Узини қўришга шундай илҳақ бўлардики. Делвагай йигитмиз. Қизгалдоқда кўш оши қилинадиган бўлди. Кўш ошини биласизми?

— Йўқ, — дедим. — Қўшалоқ қозонда пиширилгани учун шундай дейилади.

Зоида бува ёйилиб кўлди. — Дехон далага кўш тортиб чиққан кунни Ҳамал кирди дейвер. Бу кунни сизларнинг тилингизда Наврўз дейилади, маъқулми? Кўш оши қилинган кунни ҳамма — ёш қари байрам қилади. Ҳамма топган-тутганини дастурхонга тўқади. Биз ялангтўш йигитларга худо бериб қолди. Ўзимизга қиз танлаймиз дегин...

Шундай қилиб, кўш оши бўлди. Вой-буй ўша йили одамлар шунангидан байрам қилдики. Эркаклар бир томонда, аёллар бир томонда. Қизларга яқин бориш йўқ. Бир маҳал беқасамдан қўйлақ-лозим кийиб, бошига қизил рўмол ўраган қиз мен чой қайнатаётган томонга юриб қолдик! Шундай самоварнинг ёнига келувди, шартта рўмолини тортдим. Ана қошу, ана қўш!

— Вой ўлмасам! — деди қиз жонхалатда. Қарасам Умар боқиманданинг қизи экан. Рўмолини қўлимдан оқиб олди шипиллаволиб жўнади, берахм.

Ҳар йили Наврўзда уйлайман ўша кўш ошини, болам. Энди сенларга анча яхши, рўмол тортиб юрмайсанлар...

Хозир ҳам ҳар йили Зоида бува ўтирадиган ўрик тагига назар ташлайман. Набиралари уйнаб ўтирган бўлади.

Бир гал Маҳсум амаки қандай қилиб севгилсига хат берганини ҳикоя қилганди. Наврўз сумалгай экан. Маҳсум амакининг онаси Сапура ҳола дастурхонга кўк сомса қилдиган бўлибди. Бир тандир сомсани сумалак пиширадиган ерга Маҳсум амаки олиб бориб берибди. Кўрасаи ўша жонон қиз Моҳирахон сумалакка ўт ёқётган эмиш.

— Ох, — дебди Маҳсум амаки, нима бўлса бўлди. Сомса тўла тоғорани бир четга қўйиб, югурганча уйга кирибди. Дардини айтиб, ҳатта битибди. Кечкурун саданинг тагига чиқ дебди. Уни битта сомсанинг ичига яхшилаб жойлабди.

Бирон соат ўтгандан кейин хотинлар кулгуси эшитилди. Маълум бўлишича ҳатли сомса Моҳирахоннинг эмас, Отиппошанинг қўлига тушган экан. ...

Кечкурун ҳеч нарсадан хабари йўқ Маҳсумжон саданинг тагига Моҳирахонни кўтибди. Бир маҳал тагига қўйлақли бир қиз пилдираб келиб қолди. Ўзларини катта рўмол билан ёпганидан юзини кўролмаган Маҳсумжон.

— Моҳирахон, сизми? — деб сўрабди. — Химм, — дебди нозик овоз билан ҳалиги қиз. Маҳсумжон ютиниб, овозлари қалтираб дил ёрибди. Сал яқин келиб қолган боғли қиз шартта қўлини ушлабди.

— Ҳа, яшшамагур, — дебди Отиппоша, — қани, энди менга бир дардингни айт-чи...

Хуллас ўша йили қовун пишиғида Маҳсумжон орзу-сига етибди. Кўп йиллар унинг қайнотаси тергаб, текшириб юрган экан бу бола яна бир шумлик қилмасин деб.

Ҳикояни айтиб Маҳсум амаки мулозимат қиларди: — Қани, иним, Наврўзнинг кўк сомсаси, насибан-гиз қўйилган экан. Олаверинг, ичиди хатан йўқ...

Энг қизиги Зулайхо бўвим билан бўлган экан. Ёш қиз арик лабидида ялпиз териб юрса, Маҳкамбой эшак миниб ўтиб қолди. Қизни кўрган йигит гаплашгиси келиб, ундок дебди, бундоқ дебди. Зулайхо бечора уятдан ерга кириб кетай дермиш. Охири:

— Мен эшак минганларга муносиб эмасман, — дебди.

Маҳкамбойнинг ранги оқариб, эшакни ниқтаб орқасига қайтибди. Зулайхо битта чир рўмолини тўлдириб, ялпиз, исмамоқ, жағ-жағ териб, энди кетаман деб турса, Маҳкамбой жийронини гижинглатиб миниб келиб қолди. — Энди гаплашарсиз? — дебди у.

Хуллас, у Зулайхога эргашиб уйига қелибди. Қиз унинг сўзларига қулоқ солимай, уйга кириб шартта эшакни ёпиб олибди.

— Барибир совчи юбораман, — дебди у. Шу аснода унинг олдида Шукр чавандоз келиб қолди.

— Э, бўйининг узилмасин сени, — дебди у, — улоқ бошланганига қанча бўлди. Бир соатта деб олудинг отни, кун пешин бўлапти-ку.

Маълум бўлишича, Маҳкамбой отни бир қоп саб-зига бир соатга олган экан...

Наврўзим, сен бахтсан, сен тақдир юлдузисан. Отларимиз, боболаримиз, момоларимиз сендан бахтини топганлар. Бутун бахту тахтин билан яна давранимизни қиздириб, бизни яхшиликка тўйдириб кезиб юрибсан юртимизда. Наврўзда бахтини топганлар қўша қарисин дегим келади. Наврўздедек суюкли бўлишсин бир-бирга дегим келади...

Ғолиб МИРЗО.

Ҳар кунунгиз қадр қилубон Ҳар кунунгиз Ғисин Наврўз

Қадим аждодларимиз ҳар йили баҳор келиши билан, яъни Наврўз кунлари қир-адирларга чиқишиб, ҳар хил кўнгилоҳар уйин-қулгилар ташкил қилганлар, қиз-жувонлар лапарлар айтишиб, рақсга тушганлар, ўзларининг маҳоратларини синанганлар. Байрам кунини ва жойи белгиланган, бу ер чиройли қашта, гилам ва бошқа нафис матолар билан безатилган. Катта-кичик, ҳамма қарнай-сурнай садо-лаи остида тантанали равишда байрамни бошлаганлар. Шу кун бу ерга аравада самовар, қозон, ўчоқ, идиш-товуқ ва ширинликлар, турли баҳор қўлгиларида тайёрланган нафис матолар ҳам келтирилган.

Ҳамма янги либосда, қўларига баҳор чечаклари, ўзлари қувноқ, чехраларида эса баҳор нашедаси. Қолганлари эса ашула айтадилар. Болалар ва катталар қир-адирларга чиқиб, кўнгилоҳар уйинлар уйнаганлар, табиат бағрида сайр этиб, ҳордиқ чиқарганлар. Мана шундай оммавий халқ сайиллари қадимда Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида айниқса, кўп ўтказилиб келинган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича ўз замонасининг машҳур муаррихлари Шарифиддин Али Яздий, Ибн Арабшох ва элчи Клавихонинг маълумотларига қўра, Амир Темури ўзгал Кониғил майдонига халқ сайиллари ва томошаларини оммавий равишда ўтказишга фармойиш берган. Амир Темури Кониғилда юзлаб савдо расталари қурдирган. Улар моҳир хўнарандлар, рассомлар томонидан юксак дид билан безатилган. Тантанали сайил кунларида расталар атрофида қўллаб, айрим вақтларда йигирма минггача гўзал ва нафис ранг-баранг чодирлар қурил-

ган. Сайил амирининг яратилган 14 та филининг чиқиши билан бошланган. Филлар устида тахтиравон ўрнатилган бўлиб, унда тўрт-бештадан чавандоз, дорбоз, қизикчи ўтириб, ўзларининг кўнгили

ундаги ўйинларнинг серзавклиги билан ҳамма томошабинда катта таассурот қолдирган. Амир Темуридан кейин Мирзо Улуғбек замонида ҳам бундай Наврўз айёмлари жу-

шалар уюштирилган. Шаҳарликларнинг кўпи бу майдонга йилгиланган, дўконлар очилган, бозорда савдо-сотиқ қизиган. Миллий театр, кураш, дорбозлар, қарнай-сурнай садолари билан Наврўз сайли тантанали равишда бошланган. Дастурхонларга турли лаззатли тоамлар, ширинликлар тортилган. Ҳамма хой тоза-озода. Бундай байрамларга меҳнаткаш халқдан ташқари ўлка генерал губернатори фон Кауфман ва бошқа рус амалдорлари қатнашган. Уларнинг келишига тўплардан мушаклар берилиб, байроқлар кўтарилиб, катта тантаналар билан қўлиб олинган. Қозонларда дамлалган ошлар, сумалаклар, сузилиб, халққа тарқатилган. Кўннинг иккинчи ярмида сайил янада қизиб, авжига чиққан. Халқ сайли ногора, қарнай, сурнай садолари остида давом этиб, миллий дор ўйинлари, қўнкари (улоқ), полонларнинг беллашуви, дор ўйинлари, хўроз ва бедана, қўчқор уриштириш тантаналари билан ҳаммани хушнуд этган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Тошкент, Қўқон, Наманган, Бухоронинг шаҳар қишлоқларида Наврўз зўр тантаналар билан нишонланган.

Наврўз байрами кунларида шаҳарнинг марказий қўчалари безатилган. Қўчанинг икки четидоғи чойхона ва дўконлар олдида чорпоярлар қўйилиб, ҳар хил мева-чева, озиқ-овқат сотилган. Бир томонда кураш, дорбозлик, қизикчилик, ҳайвонларни уриштириш, миллий оркестр, рақсга тушиш, қарнай-сурнай садолари узоқ-узоқларга таралган.

Қадимдан аждодларимиз зўр тантаналар билан нишонлаб келган шоду хуррамлик — шодиёна кўнлар, байрамлар Мустақиллик тўғрисида қайта тикланиб, маҳаллий ананалар янги мазмун билан бойиди.

Рашид БОЙТЎЛЛАЕВ,
санъатшунос.

САЙРИ ГУЛЗОР АЙПАСАК



ўйинларини навбатма-навбат кўрсатишган. Пастда эса мусика оҳанглари, туркча, форсча, мўғулча, арабча қўшиқлар ва рақслар ижро этилар, махсарабозлар, пахлавонлар ҳам ўз санъатларини маҳорат билан намойиш қилганлар. Бундай томошалар ўзининг ҳашамати, кўркамлиги,

да тантанали ва қизқаркли ўтган.

Кейинги йилларда ҳам аждодларимиз ўтказган сайиллар, баҳор байрамлари давом этиб, сайқаланиб келган. Ўтган асрнинг 70-йилларида Тошкентнинг қадимий Мингўйиқ майдонида Наврўзга бағишлаб катта сайиллар, томо-

кирганни рамзий тарзда «Саксон баҳорини қўрган» деб ҳурмат билан айтилади. Яна «кимлар етди, кимлар етмади» ибораси ҳам айни Наврўзга нисбатланади.

БЕШИНЧИ аломати «Наврўздан сўнг қиш бўлмас» деган деҳон хикматида ифода қилинган. Елқинли офтобда қадим музу қорлар эриб, еру табиатини жонзотларни покловчи наҳотбахш қўлдам ёмғирлари ўзи билан эҳсонлар сиқиласини бошлаб келади.

ОЛТИНЧИДАН, қўлдам пойдевори қанча пухта бўлса, куз хирмони шунча юксак бўлади.

ЕТТИНЧИ аломати — беназир бета-раф, дармонбахш, наҳотбахш, руҳбахш, тансиқ сумалағи ҳалими, чучвараси, қўк сомсаси, седанали патирилари.

Буларнинг ҳаммаси қуйидаги байтда жодир:

Меҳру чў истади ҳамал фароғи,
Дашт узра бутар қўзқулоғи

(Алишер Навоий). Яъни меҳр-қўш ҳамал буржига қўчиб, фароғатлашни ихтиёр этганидан айнаи буржда порлаб, жамол кўрсатади, шу тўғрисида дашт қир-адирларда қўзқулоқ унб қилди (у билан бирга барча гўёҳлар утлар, гулу чечаклар юз кўрсатди).

Илк ҳамал қўшини балқиди самодда, тулганган жамол қалқиди тоқ оша.

Бу онда офтоб кун сайин баландлашиб, ҳарорат ошиб, яна кундуз узабий боради. Умуман ҳамал охиригача кунга бир соатга 26 дақиқа қўшилади.

Моҳира КАРИМОВА.

Шарқ халқларининг энг ҳаётбахш ва қадимий байрами Наврўзи оламнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳусусида турли-туман афсоналар яратилган бўлиб, уларнинг аксарияти ёзма манбаларда қайд қилинган ҳамда жонли оғзаки ижод орқали бизнинг кўнларгача етиб келган.

Қадимги замонларда уч ака-ука яшаган бўлиб, кенжасининг исми Наврўз экан. Қозоқ, Сузоқ номли акалари билан халол меҳнат қилиб, кун кечирган Наврўзнинг ичига чироқ ёсиб ёришмас, экан. Чунки у бир умр тирноққа зор бўлиб ўтган экан-да! Кўнлардан деб қўни у бетоб бўлиб, боши ёстиққа тегиб, ётиб қўлибди ва акаларини қўшига қачириб.

Жигарларим! Мен бу ёруғ дунёга келиб фарзанд кўрмадим. Энди жаҳондан беному нишон ўтиб кетмай. Ҳар йили мен ўлган кунни бола-чақаларингиз билан мазорим устига бориб сайил қилинглр. Мени ёдга олиб, руҳимни шод қилинглр, — деб васият қилибди.

Акалари ҳам ҳар йили баҳор келиши билан қариндош-уруғлари билан Наврўзнинг мазори жойлашган қирга сайилга қилдиган бўлишди. Шу-шу Наврўзи оламда байрам қилиш анъанаси пайдо бўлган эмиш.

Қорақуллик халқ оғзаки ижоди илҳомиди Олия Ҳасилова ёзиб олиб, оммалаштирган бир афсона эса Наврўз гулгун фасли баҳор тимсоли сифатида талқин қилинади.

Қадим-қадим замонларда чекка бир қишлоқда дехқон аёл ва унинг беш нафар фарзанди яшар экан. Она ўз болаларини дехқончилик қилиб, халол меҳнат билан оқ ювиб, оқ тараб, парвартиш қилар экан. Кўнлардан бир кун она рўзгор ишларини бажариб бўлгач, бир-биридан ширин болаларини ухлатиб, бешиқдаги гўдакни эмизиб ўтирган экан, бирдан эшик тақиллаб, хонага азроил кириб келибди.

— Ассалому алайкум, меҳмон, — ярим ўғрилиб дебди она. — Кечирасиз, гўдакми...

Жаҳонгирна гўдак ҳам икки қўли билан она кўрагини маҳкам ушлаб ўзига тортармиш. Бу хол ҳатто юрак азроилни ҳам лол қолдирибди. Бироз тарадудланиб азроил:

— Эй, онаизор, сенинг паймонанг тўлган! Худой таолодан буйроқ олганман. Фарзандларингни уйғотиб, улардан рози-ризозлик сўра. Сенинг жонингни арши аялгоа олиб кетмоғим даркор, — дебди.

Она сираям ваҳимага тушмабди. Азроилга ялиниб-ёлвормабди ҳам, фақат:

— Ҳайр, майли, худонинг иродаси-да... Бироз сабр қилиб туринг, гўдагини сўтга тўйдириб, ухлатиб, ҳузурингизга ўзим чиқаман. Болаларим менинг ўлганимни билмасинлар. Улар ҳаёлида домд тирикдай яшайверай, дебди.

Азроил кўздан ғойиб бўлибди. Она эса норасидасини тўйиб-тўйиб ўпибди, уни ўрнига ётқизибди. Она сўтидан тўйган бола эса пишиллаб уйкуга кетибди. Шундан кейин онаизор қолган болаларини ҳам бирма-бир ўйиб:

Таққинлар

ЙИЛ БОШИ

— Мусаффо осмон отангиз, саҳий ер онангиз бўлсин, болаларим! Илоҳим меҳр-оқибатли, йймон-инсофли, меҳнатсевар бўлғайсизлар! — деб дуо қилибди. Онаизор насихатлари ушлаб ётган болаларининг вужудларига сингир кетибди. Эрта тонг отган, биринчи бўлиб энг кенжаси уйғонибди. У ажиб бир куч билан ҳовлига чиқибди. Ҳаво жуда-жуда майин экан, гўдак тўйиб-тўйиб нафас олибди. Гулзор ичига кириб, майсалардан узиб-олқиб уйнабди. Майсалардан татиб қўрибди, ажаб уларнинг барчасидан она сўтининг мазаси келар эмиш! Бола баҳор даракчиларини боши узра сочиб, қиқир-қиқир қулармиш. Унинг кулгусидан бутун олам қулармиш гўё.

Эмаллаб қиққан бола қаддини айл тўтиб, юриб уйга кирибди ва ушлаб ётган акаларини уйғотибди. Уй ичи бирпасда она бўйига тўлиб кетибди. Гўё қўзга қўрмас она исси уйр бўйи меҳр бўлиб болаларига парвона бўлаётгандай экан. Болалари онамиз ҳозир келиб қолдилар, деган ҳаёлда умид билан воғега етибдилар. Одамлар эса буларнинг кенжасига Наврўз деб от қўйишди. Онасининг боласига бўлган меҳр-муҳаббат шун дехон аёлдан мерос бўлиб қолган бўлса ажаб эмас.

Ўлиб-тирилувчи маъбуда ва тангрилар ҳақидаги қўна эътиқодий қарашлар асосида юзага келган мазкур афсонада тасвирланган она — ҳаётбахш табиат рамзи бўлса, Наврўз унинг дилбанди баҳоридир.

Халқимиз орасида Наврўзни қачон нишонлашни аниқлаш билан алоқадор талайгина афсоналар ва анъанавий талқинлар ҳам мавжуд. Одатда болалар Наврўзнинг бош даракчилари бўлишди. Манбаларда битилишича, шофиронлик болалар зағизгон уясида туҳум қўйганини қўришса, дарров бу хабарни катталарга етказиб, Наврўзнинг дарганини беришга ва сўқини олишга ишчи қилишган. О. Сафаровнинг қайд қилишича, Тошкент, Жиззах, Сирдарё атрофларидаги қишлоқларда бойчечак чиқишига қараб Наврўз келганлиги аниқланган.

Минг йиллар давомида табиатдаги турли белгиларга баҳорнинг бошланиши, иссиқ ўлкаларга қишлар учун ўчиб кетган қўшларнинг қайтиб келиши, илк қўлдам гиёҳларининг ўнб чиқишига қараб Наврўз келганлигини аниқлаб келган боболаримиз Наврўз ва йилбоши билан алоқадор қизқаркли афсоналарни яратганлар.

Ҳазратқул бахши Худойберди ўғлининг ҳикоя қилишича, Қашқадарё воқеасида баҳор келиши лайлақларнинг ўсиб келиш мўддатларига қараб белгиланган. Лайлақнинг ўчиб келиши ва Наврўзнинг бошланиши ҳақидаги қуйидаги афсона бор. Илгарилари эли юрти омонда, Шахрисабз томонда Қўлчуммоқ деган киши ўтган экан. Экин-тиқиларни экиш, чорва молларини яйловга олиб чиқиш мўддати, йиллик ёғин-сочин тартиби ва мўддати, фасл ва ойларнинг ҳисоб-китобини қилиб юрар экан. Илк қўлдам кўнларининг бирида у ҳам қишлоқларига қараб:

— Мана энди баҳор ҳам келди, фалон кун лайлақ келади. Ғузорнинг юқорисидоғи қалтаминор деган жойга қўнади. Лайлақнинг келиши ҳўтининг жунашиб кетишидан далолат берибди. У бир дона туҳум қўйганда йилбоши — Наврўз бўлади, — дебди.

Бу гал Шахрисабз бегининг қўлигига етиб борибди. «Ҳар йили лайлақ келса, албатта, Оқсаройга қўнар эди. Ҳисобдан бу сафар адалганга ўхшайди», — деб эътирдоз билдирибди. Шунда оқсаройлар, «Қўлчуммоқ дашт билгич одам, у ҳеч қачон ҳисобидан янгиликлар эмас. Айтган гапи ҳаммиша тўғри чиқади», — дебдилар.

Бек оёқларига жаҳл қилиб, Қўлчуммоқ айтган Қалтаминорга беш-унта пойлоқни қўйдирибди, лайлақни қўзатишни буюрибди. Бек қўйган одамлар ҳам туну кун мижа қокмай қўкка тикилиб ўтираверибдилар, мабодо лайлақ келиб қўнса, ҳурқитиб, бек айтгандай қилиб, қўйиб юборармиш деб. Бир кун тонгга яқин Қалтаминорнинг тепасида лайлақ айланиб турибди. Бунда улар ҳар бири бир тарафдан югуриб, ҳай-ҳайлашиб, қувушиб, лайлақ бечорани қўнгани қўймай, ҳурқитиб, Оқсарой тарафга ҳайлаб юборибдилар.

Эртаси кун бек Қўлчуммоқнинг уйига одам юбортириб:

— Бориб айтинглр, лайлақ бугун у айтган Қалтаминорга эмас, Оқсаройга келиб қўнди. Агар ишонмаса ўзи келиб қўрсин! — деб тайинлабди. Бу хабарни эшитган Қўлчуммоқ чопарларга:

— Бекка бориб айтинглр, агар лайлақ уясига тўшини бериб ётган бўлса, демак уни Қалтаминорга қўнгани қўймай, ҳайлаб юборганлар. Мабодо оёғида турган бўлса, мен онгилан бўламан, — дебди.

Мулозимлар келиб қўришсаки, лайлақ шўрлик чарнаган эмасми, уясига бағрини бериб, пусиб ётибди. Бек уялгандан, одамлар олдиди изза бўлиб қолган экан.

Наврўз арафасида бек катта зифат берибди, бу ўтиришга ўша Қўлчуммоқ ҳам айтилган экан. Гапдан-гап чиқиб, йилбоши қачон келиши ҳусусида одамлар тортишиб қўлибдилар. Шунда бек: — янги йил дегани бундай қўришиб келмади, қачон

1998 Ойла йили

Ойла ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, ойла ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, кейинги насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ.

ЎЗ ОИЛАМИЗ — БОР ҚОИДАМИЗ

ЎЗ ОИЛАМИЗ —
БОР ҚОИДАМИЗ:
Хонадонимиз
Кичкина давлат,
Бувим, бобомлар
Тўкишар савлат.
Бобомлар шох-у
Бувимлар вазир,
Уй хизматиға
Ҳозирмиз-ҳозир.

Опам-у сингил
Ойим ишларин
Қилишар енгил.
Қилишар енгил.

ЎЗ ОИЛАМИЗ —
БОР ҚОИДАМИЗ:
Дастурхонга-чи
Келганда таом,
Бошлаб берарлар
Бувим ва бобом.

Овқатдан кейин
Қилишар дуо,
Дуо бўлармиш
Барчага даво.

ЎЗ ОИЛАМИЗ —
БОР ҚОИДАМИЗ:
Тонг отар-отмас
Барчамиз туриб,
Машқлар қиламиз
Ҳарбн югуриб.
Сўнг боражакмиз
Бувим, бобомга
Қатор туришиб
Тонгги саломга.
Бувим, бобомлар
Бизни ачомлар,
Шундайин завқли
Тонг-у оқшомлар.

ЎЗ ОИЛАМИЗ —
БОР ҚОИДАМИЗ:
Ҳечким ўтирмас
Бекордан бекор,
Бизда топилмас
Текинхўр-беор.
Биз набиралар
Аҳил ва иноқ,
Хонадонга ҳеч
Туширмаймиз доғ.

ЎЗ ОИЛАМИЗ —
БОР ҚОИДАМИЗ:
Ўз-ўзимизга
Юмушлар топиб,
Бажарадурмиз
Югуриб, чопиб.
Гапимнинг рости
Мақтаниш эмас,
Кўпчилик бизга
Қилишар ҳавас.
Адам топганим
Келтирар уйга,
Ойижоним ҳам
Эга обрўга.
Росаям чаққон

Хонадон ичра
Ўз қоидамиз,
Барча-барчаси
Бизим фойдамиз.
Шу фазилатдан
Оиламиз тинч,
Юрагимизда
Гурур ва севинч.
Бобом дуоси
Бўлиб мустажоб,
Елкамизга ҳам
Тегмоқда офтоб.
Пул
МЎМИН.

«БАХТЛИ ОИЛА» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Тошкент шаҳар оилаларининг «Бахтли оила» кўрик-танловини ўтказишдан қўзланган мақсад ҳақида ушбу тadbир ҳакамлар хайъатининг аъзоси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбари, профессор Садир Салимов куйдагиларни гапириб берди:

— Маълумки, халқимиз одатиға кўра оила ҳаётининг асоси саналади. Инсоннинг қадр-қиммати оилага бўлган муносабатидан, бахтли-бахтсизлиги оилавий шароитда кўринади. Ҳатто оилага тааллуқли бўлмаган масалалар ҳам оилада баҳамжихатликда муҳокама этилади. Бир сўз билан айтганда халқимизда оила муқаддас саналади.

Шунга кўра 1998 йилни Ойла йили, дея эълон қилиниши ўзигимизни англашнинг янада кенг имкониятларини очиб берди. Ўтказилажак кўрик-танловда оилага эътиборни кўчатириш, унинг муаммолари тўб сабабини англаш, оқилона ечимлар излаш асосий масалалардир. Тан олишимиз керакки, бугунги кунда одамларимизнинг оилага бўлган муносабатлари ота-боболаримизнинг бу борадаги қарашларидан бироз фарқ қилади. Ота-онага ҳурмат, кичикларга иззат, ўғил ўстириш, киз бола тарбияси, уй тутиш, рўзғор тебратиш,

совчилик, киз танлаш, қувв танлаш, қуда-анда-чилик, қўшничилик борасида халқимиз минг йиллик синовдан ўтган бой тажрибага эга. Мен дунёнинг бир қанча мамлакатларида бўлганман. Уларнинг аксариятида турмуш даражаси юқори, тараққиёти юксак бўлса-да оилавий жиҳатдан бахтсиз инсонларни ҳам кўрдим. Ҳатто ҳар бир оилада компьютер мавжуд бўлган хонадонларда ҳам бизнинг асрларга татигулик бахтли оила омиллари, тажрибалари етишмайди.

Бугунги кунда шахримизда пиру бадавлат, барчага ҳар жиҳатдан ўрнатилган мавжуд бўлса-да, тақдирининг бир қисми кемтик хонадонлар ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаби мустабиллик тузуи даврида одамларимизни маънавиятидан айир-иш, уларни манкуртлаштиришга бўлган уриниш бўлди. Келин танлашда насл суриштириш, фарзандлар тарбиясига ўзига хос ёндошлар эскилик сарқити дея аталди. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳал этиладиган масалалар маҳалла-қўй муҳокамасига ташланиб, барчага овоза этилди. Оиланинг ишонадан фарқи қолмади. Бир сўз билан айтганда оила муқаддаслигига путур етди.

Кўрик-танлов тўрт босқичда ўтказилиб, унда оиланинг моддий, маънавий-ижтимоий жиҳатлари қамраб олинади. Беллашувларда намунали оила қандай бўлиши керак, бахтли оила барпо этиш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги борасида халқимизнинг кўп йиллик тажрибаси тарғиб этилади.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.



Мирзо Улугбек туманидаги «Янги маҳалла»да истиқомат қилувчи Жалолиддин ака ва Маъфура опа Нурмухамедовлар 40-йилдан ортқ бирга умр кечириб, фарзандлари роҳатини кўраётган бахтли оила соҳибларидир.

Рустам Шарипов олган сурат.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ОИЛАЛАРИНИНГ «БАХТЛИ ОИЛА» КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ НИЗОМИ

Кўрик-танлов Ойла йилига бағишланган бўлиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари, туман ҳокимликлари, адлия бошқармасининг ФХДБ бўлимлари ҳамда «Маҳалла», «Қамолот», «Меҳр-шафкат ва саломатлик», «Наврўз», «Олтин мерос», «Соғлом ав-

лод учун», «Болалар» жамғармаларининг шаҳар ва туман бўлимлари, ҳомийлар, Қизил Ярим Ой жамиятининг шаҳар, туман кўмиталари, «Маънавият ва маърифат» Тошкент шаҳар Маркази ва туман бўлимлари билан ҳамкорликда 1998 йил давомида ўтказилади.

КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Ойла фаровонлиги — жамият фаровонлиги тушунчаси танлов мазмунини ташкил этади. 1998 йил — Ойла йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 9 декабрь 796-сонли Фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 11 декабрдаги 550-Ф сонли Фармойишининг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш, уни мустаҳкамлашдир.

Ойла соғлом, билимдон ёш авлодни тарбиялашдаги ролини кўтариш, оила ва жамиятнинг вазибаларини такомиллаштириш, оила муаммоларини илмий-ижтимоий тадқиқ этишнинг чуқурлаштириш, оила, аёл ва болаларнинг иқтисодий, ижтимоий таъминоти маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш, уни мустаҳкамлашдир.

Шунингдек, халқимизнинг ноёб урф-одатлари, анъаналари ва миллий қадриятлари руҳида оиланинг муқаддаслигини, ибратли оилаларнинг намунали ишларини ўргатиш, уларни кенг омма орасида тарғиб этиш, эъзолаш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилди.

ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:

Кўрик-танлов тўрт босқичда ўтказилади:
1-босқич — барча маҳалла фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар кенгашлари томонидан март — апрель ойларида;
2-босқич — туман ҳудудидagi ўрамлар (округлар ёки даҳалар) бўйича май ойида;
3-босқич — туман ҳокимликлари томонидан июль ойида;
4-босқич — туманларо шаҳар кўрик-танлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллигига бағишлаб ноябрь ойида ўтказилади.

Кўрик-танловнинг 1-босқичида маҳалла оқсоқоллари ва хотин-қизлар кенгашлари барча оилаларни кўрик-танлов шартлари асосида ўрганиб чиқадилар. Қўчалар, кўпқаватли уйлар ёки ўрамлар бўйича уларнинг беллашувларини ташкил этиб, ғолиб чиққан оила ҳужжатларини ва кўрик-танлов баёнидан кўчирма билан туман хо-

кимлиги қошидаги ташкилий кўмитага тақдим этадилар. Туман ташкилий кўмитаси ғолиб оилаларнинг ўрамлар бўйича кўрик-танловини ўтказди. Ўрам кўрик-танлови ғолиблари туман кўригидида иштирок этадилар.

Туман кўрик-танлови баёнидан кўчирма, ғолиб оила ҳақидаги тавсиянома, тавсифнома, оила аъзолари ҳақидаги маълумотнома, альбомлар, суратли лавҳалар, видеокассеталар ва бошқа материаллар Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги ташкилий кўмитага 1 июлга қадар тақдим этилиши лозим.

Маҳалла, ўрам ва туман кўрик-танловларида ғолиб чиққан ва фаол қатнашган оилаларни дипломлар, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирлаш мақсадга мувофиқдир.

Ойла соҳибларининг биргаликдаги 40, 50, 60, 70, 75 йил турмуш курганикларининг Ёқут, Олтин, Олмос, Фаровон ва Шоҳона тўйларини тантанали нишонлаш тавсия этилади.

КЎРИК-ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

«Бахтли оила» кўрик-танловида қирқ ва ундан ортқ йил биргаликда турмуш қурган, тўрт ва ундан ортқ фарзандни тарбиялаб, жисман соғлом, маънан баркамол ўстириб воғна етказган, уларни уйли-жойли қилган, оила аъзолари, қуда-андалари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшни, маҳалладошлари билан аҳил, тинч-товуш яшаб келаётган, фарзандлари маълумотли, касб-хунар эгаси, юрт хизматидида бўлган, маҳалла ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келаётган, одобли, ибратли, обрў-эътиборли, пиру бадавлат, ишчи, хизматчи, хунарманд ва зиёли оилалар иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танлов куйдаги шартлар асосида ўтказилади:

1. ОИЛА ТАЪРИФИ: (2 дақиқагача)
Бу шарт бўйича тақдим этилган тавсифнома, маълумотнома, суратли лавҳалар, видеокассеталар ва бошқа тақдим этилган ашёлар, оилада яратилган махсулотлар, асарлар ва бошқа ҳужжатлар асосида танлов бошқарувчилари оиланинг фаолияти, маҳалла ва жамиятдаги ўрни, макон, обрў-эътибори ҳақида қисқа, аниқ, тўлақонли ва мазмунли таъриф қиладилар.

2. ОИЛА ТАШИФИ ВА ШАҲКАРАСИ: (5 дақиқагача)
Маъкур шарт бўйича оила аъзолари, фарзанд-

лари, набиралари иштирокида шеърый сатрлар, урф-одатлар, миллий анъаналар асосида саломлашиш одоби ва ўз таширфларини изҳор қиладилар. Етти пушти ҳақида маълумот берадилар.

III. БИЛИМДОН ОИЛА: (2 дақиқагача)

Бу шарт бўйича оила аъзоларининг берилган саволларга жавоблари бўйича уларнинг эъқоликлари, топқирликлари ва билим маҳоратлари аниқланади.

IV. ОИЛАДА МУАММО: (1 дақиқагача)

Ушбу шарт бўйича оилада содир бўладиган муаммоларни, жумбоқли ҳолатларни ақл-идрок билан бартараф этишлари намойиш этилади.

V. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ЁКИ УЙ ВАЗИФА-СИ: (3 дақиқагача)

Маъкур шарт бўйича оила аъзолари томонидан яратилган моддий, маънавий бойликлар, наъматлар, махсулотлар намойиш этилади.

VI. БАДИЙ ЧИКИШ: (5 дақиқагача)

Бунда оиланинг санъатга ихлосманд, иқтидорли аъзоси қўшиқ, рақс, бадий сўз, соз чалиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этади.

Ойла аъзолари биргаликда санъат турининг бири ёки фольклор бўйича ижро маҳоратларини синашлари мумкин.

Иштироки оилаларнинг ҳар бир шарт бўйича маҳоратлари 10 баллик тизим билан баҳоланади.

Энг кўп балл (баҳс) тўплаган оилага «Бахтли оила» танлови ғолиби унвони берилади, «Бахтли оила» елкабоғи тақрилади. I-даражали диплом, олий даражадаги мукофот билан тақдирланади.

2-3-ўринга сазовор бўлган оилалар ҳам II, III даражали дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар. Қолган иштирокчилар Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Эсдалик учун суратга туширилади. Танлов иштирокчилари ва ғолибларига бошқа алоҳида имтиёзлар белгиланмайди.

Кўрик-танлов Тошкент шаҳридаги нуфузли санъат саройларида республиканинг танлиқ санъаткорлари ва санъаткор оилалар иштирокида катта байрам тadbир билан яқунланади.

Танлов ва унинг яқини матбуот саҳифалари, радиоэшиттиришлари ва телевидение курсатувлари орқали кенг ёритилади.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

1997 ЙИЛДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

«Тошкент универмаги» супермаркет очик акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамияти
Эмитентининг реквизитлари:

1. Эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи: «Тошкент универмаги» супермаркет очик акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамияти — «Тошкент универмаги» супермаркет ОАСИЧЖ.
2. Ҳуқуқий манзили: 700029, Тошкент ш., Миробод тумани, Ўзбекистон соҳқўчаси, 17-уй, тел: 1336288
3. Эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва тартиб рақами. 1997 йил 26 июнь, 215-тартиб рақами
4. Ташкилий ҳуқуқий шакли: очик акциядорлик жамияти.
5. Эмитентнинг ҳисоб-китоб счёти, хизмат кўрсатаётган банк муассасасининг номи ва реквизитлари: «Ўзбекистон қурилиш-саноат банки ҳузуридаги операция бошқармаси 20208000800101391051, банк коди 00440.

«Тошкент универмаги» супермаркет ОАСИЧЖ 1997 йил 26 июнда 215-тартиб рақами билан Ўзбекистон Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган. Қимматли қоғозлар тури: номи ёзилган оддий ва имтиёзли акциялар. Акцияларни чиқариш шакли: сертификат кўринишида нақд бўлиб, «БАҚТ» миллий депозитарийсидан қайд этилган; 1995 йил 21 ноябрда 2024 Д-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган. Чиқарилган акциялар миқдори 39492400 (ўттиз тўққиз миллион тўрт юз тўқсон икки минг тўрт юз) сўм.

Чиқарилган акциялар сони 394924 (уч юз тўқсон тўрт минг тўққиз юз йигирма тўрт) донна. Акциянинг номинал қиймати 100 (юз сўм).

Акцияларнинг тақсимланиши

1. Давлат томонидан сақланган акциялар йўқ.
2. 549,3 минг сўмлик 5493 донна имтиёзли акция.
3. 21033,5 минг сўмлик 210335 донна номи ёзилган оддий акция жамоа аъзолари ўртасида очик буна асосида тақсимланган.
4. 13820,0 минг сўмлик 138200 донна оддий акция «Ўзбексавдо» ДАУга сотилган.
5. 4089,6 минг сўмлик 40896 донна акция бошқа жисмоний шахсларга сотилган.

«Тошкент универмаги» супермаркет ОАСИЧЖнинг 1998 йил 1 январьгача бўлган бухгалтерлик баланси

Кўрсаткичлар	актив	пассив
Низом фонди		39492
Резерв фонди		3302
Мақсадли тушумлар		61
Асосий маблағлар	35876	
Узоқ муддатли инвестиция	594	
Ишлаб чиқариш заҳиралари,		
Товарлар ва сарф-харажатлар	175017	
Пул маблағлари	11883	
Дебиторлар билан ҳисоб-китоб	683	
Муассислар билан ҳисоб-китоб	3453	
Кредиторлар билан ҳисоб-китоб		153089
Қисқа муддатли заёмлар		9256
Бошқа пассив		
Соф фойда		22306
Баланс	227506	227506

Балансининг тўғрилиги 1994 йил 19 майда 18-тартиб рақами билан лицензия олган «Ўзбексавдо» — Аудит» аудитор фирмаси томонидан тасдиқланган.

Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви ва қузатув кенгаши.

Ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҲАҚИДА

«Сувсоз» трести сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларини бажариш ва 1998 йил баҳор-ёзги мавсумга тайёрлаш муносабати билан истеъмолчиларга ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида куйдагиларни маълум қиладилар:

24 март саот 9.00 дан 25 март саот 9.00 гача

1. Мирзо Улугбек тумани Дагестанская, Морская, Паркент, М. Горький ва уларга ёндош кўчаларда, Паркент мавзесида сув бўлмайди.

30 март саот 9.00 дан 31 март саот 21.00 гача

1. Юнусобод тумани Хуршид кўчаси, Ш. Рашидов кўчаси, Мустақиллик майдонида сув босими пасаяди.

2. Юнусобод тумани, «Марказ-5», «Марказ-6» ларда сув бўлмайди.

6 апрель саот 9.00 дан 7 апрель саот 9.00 гача

1. Миробод тумани бўйича умумий пасайиш.

Мирзо Улугбек тумани Сайрам, Линейная кўчаларида сув босими пасаяди.

2. Мирзо Улугбек тумани Бўз мавзесида сув бўлмайди.

Олмачи ва унга ёндош кўчаларда сув бўлмайди.

7 апрель саот 9.00 дан 8 апрель саот 9.00 гача

1. С. Раҳимов тумани Бобонозов, Чувалачи, Қорасарой кўчаларида сув босими пасаяди.

2. С. Раҳимов тумани Уста Олим, Федченко, Қорасайд, Мавзор тор кўчалари билан, Мавзук мавзесида сув бўлмайди.

8 апрель саот 9.00 дан 9 апрель саот 21.00 гача

1. Миробод тумани Госпитальный мавзесида, Кунаев кўчасида сув босими пасаяди.

2. Миробод тумани Нукус, Ойбек, П. Ржевский, КЭЧ шаҳарчасида сув бўлмайди.

14 апрель саот 9.00 дан 15 апрель саот 9.00 гача

1. А. Икромов тумани «Қорйўғди», Ўтқири, У. Юсупов, С. Раҳимов, А. Тожиев, Ф. Ҳўжаев маҳаллаларида сув босими пасаяди.

2. А. Икромов тумани Зинэ Саид кўчаси, А. Ҳидоятлов, Ш. Рашидов, Ҳамза маҳаллаларида сув бўлмайди.

15 апрель саот 9.00 дан 16 апрель саот 9.00 гача

1. Сирғали тумани Спутник 1—17-мавзелада, Сирғали 1, 2 да сув босими пасаяди.

2. Сирғали тумани Сирғали 1, 2, 3, 4, 16, 17 да — баланд уйларда сув бўлмайди.

16 апрель саот 9.00 дан 17 апрель саот 9.00 гача

1. Шайхонтоҳур тумани «Тўтзор» маҳалласида сув босими пасаяди.

2. Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино 1, 2 мавзелада сув бўлмайди.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи автомашиналар суви етказиб берадилар.

Тел: 133-15-95, 133-75-95, 56-60-06.

«БЕШЁҒОЧ БОЗОРИ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1998 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ КУНИ СОАТ 10.00 ДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ, Т. ТУЛА КЎЧАСИ, 71-УЙДА ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар рўйхати 1998 йил 11 март ҳолатига тўзилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият бошқарув хайъатининг 1997 йил ҳужалик-молиявий фаолияти ҳисоботи.
2. Тафтиш кўмитасининг аудитор текшируви натижасига кўра хулосаси.
3. 1998 йил кириш ва чиқим сметасини тасдиқлаш.
4. Фойдани тақсимлаш. Дивиденд масаласи.
5. Қузатув кенгаши, Тафтиш кўмитаси ва Бошқарув хайъати таркибини қайта қўриб чиқиш.
6. Жамият Низомининг янги таҳрири ҳақида.
7. Акциядорлик жамияти аудиторини тайинлаш тўғрисида.
8. Жамиятни бошқариш масаласи.
9. Бошқа масалалар.

Йиғилишга тайёрланиш бўйича ахборот ва унда кўриладиган ҳужжатлар билан «Бешёғоч» бозорининг маъмурий биносидан, Тўроб Тўла кўчаси, 71-уйда танишиш мумкин.

Боғлианиш телефони: 45-37-63.

